

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг
йиғилиш Б А Ё Н И № 1

2026 йил “13” февраль

Тошкент шаҳри

- Раислик қилувчи:** Жамоатчилик кенгаши раиси
Ё.Х.Саъдиев
- Йиғилишда қатнашдилар:** Жамоатчилик кенгаши аъзолари (*рўйхат бўйича*), Вазирликнинг соҳавий хизмат вакиллари
- Йиғилиш ўтказиш жойи:** Тошкент шаҳар ИИББ Жамоат тартибини сақлаш бошқармаси Кинология бўлими
Мажлислар зали

Йиғилишнинг кун тартиби:

1. Жамоатчилик кенгашининг 2025 йил фаолият якунлари бўйича ҳисоботи, камчилик ва муаммолар, уларнинг ечимлари, шунингдек, 2026 йил 1-ярим йилликка мўлжалланган Дастурда белгиланган вазифаларнинг муҳокамаси тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан, кириш сўзини Жамоатчилик кенгаши раиси Ёдгор Саъдиев очиб, 2025 йил давомида Кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар, ўтказилган тадбирлар ва уларнинг натижадорлиги тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Ушбу борада, ИИБ марказий аппаратида ҳамда ҳудудий ички ишлар органларида фаолият кўрсатаётган кенгашлар бугунги кунда жамият ва ички ишлар органлари ўртасидаги муҳим кўприк вазифасини ўтаётганлигини алоҳида таъкидалб ўтди.

Шунингдек, умумий фаолиятни янада ривожлантириш ҳақида фикр билдириб, ўзаро ҳамкорликка асосланган ишлар натижасида, осойишталикка масъул бўлган ички ишлар органлари тизими тубдан ислоҳ этилиб, бу борада сўнгги ўн йилликда 180 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини, Ички ишлар вазири томонидан берилган топшириқлар асосида, ҳар чорак давомида республика ОАВлари ва кенг жамоатчилик учун матбуот анжуманлари ташкил этиб борилаётганлиги хусусан, 2025 йил давомида ўзаро ҳамкорликда 23 мартаба пресс-тадбирлар (брифинг, матбуот анжумани, пресс-тур ва бошқа) ўтказилганлигини шунингдек, ҳудудий ички ишлар органлари томонидан бу борада жами 201 мартаба ушбу турдаги тадбирлар ўтказилганлигини, бундан ташқари, ОАВлари орқали раҳбар ходимларнинг 2 463 мартаба чиқишлари ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, мазкур анжуманларда, Кенгаш аъзолари билан ИИВ тизимидаги муаммоларни юзма-юз таҳлил қилиниб, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинаётганлиги ҳақида тўхтаб ўтилди.

Шундан сўнг, Ички ишлар вазири матбуот котиби Ш.Ғиёсовнинг Вазирлик тизимида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг самарадорлиги, амалий фаолиятга оид кенг ёритилган материаллар ҳақида ҳисоботи тингланди.

Унга кўра, 2025 йилда, оммавий ахборот воситаларида жами 147598 маротаба чиқишлар ташкил этилган бўлиб, шундан телевидение орқали 11973 маротаба, радио орқали 5028 маротаба, газета ва журналлар орқали 3553 маротаба, интернет орқали 127044 маротабани ташкил этади.

Интернетда берилган материалларнинг 14166 таси Вазирликнинг расмий <https://gov.uz/oz/iiv> веб-сайтида, 45769 таси ИИО Ахборот хизматлари веб-сайтида, 67109 таси бошқа сайт ҳамда ижтимоий тармоқлар (uza.uz, xs.uz, kun.uz, xabar.uz, telegram, facebook ва бошқалар)да жойлаштирилган. Юқорида келтирилган жами чиқишларнинг 9497 таси ахборот хизматлари томонидан тайёрланган соҳа фаолиятига боғлиқ бўлган алоҳида видеоролик, кўрсатув ва фильмларни ташкил этади. Шу билан бирга, Вазирликнинг расмий нашрлари “Постда – На посту” газетасининг 52 та сони, “Қалқон – Щит” журналининг 12 та сони ўзбек ва рус тилларида жами 2812 та тизим фаолиятига оид мақолалар чоп этилди. Шунингдек, чоп этилган материаллар www.postda.uz сайтига ҳам жойлаштирилиб, кенг омма эътиборига ҳавола қилинган.

Шундан сўнг, Вазирлик Ахборот хизматининг видеоҳисоботи томоша қилиниб, таклиф ва мулоҳазалар муҳокама қилинди.

Унга кўра, Президентимизнинг “Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, унинг дарди ва умиди турганини унутмаслигимиз керак!” деган сўзларидан келиб чиққан ҳолда, тизим мутасаддилари томонидан, сайёр қабуллар масаласига ҳам жиддий ёндашилаётганлигига алоҳида урғу берилган.

Бу борада, Вазирлик раҳбарияти ва соҳавий хизмат масъуллари томонидан ўтказилган шахсий қабуллар жараёнида минглаб фуқароларнинг мурожаатлари ижобий ҳал этилган. Комплекс ўрганишни талаб этувчи мурожаатларнинг ижроси назоратга олиниб, ечимини таъминлаш бўйича масъулларга тегишли топшириқлар берилган.

Мазкур йўналишда изчиллик билан олиб борилаётган ишлар натижасида Президент Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали келиб тушган мурожаатларнинг камайишига эришилган.

Аҳоли мурожаатларини кўриб чиқишда хато ва камчиликларга йўл қўйган раҳбар ва ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Бундан ташқари, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш жараёнини янада жадаллаштириш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида, ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарлари томонидан ҳафтанинг ҳар якшанба кунлари, Ички ишлар вазири томонидан ҳар ойнинг охириги якшанба кунини шахсий қабуллар ҳамда жойларда оммавий сайёр қабуллар ўтказилиши белгиланиб, амалга ошириб келинаётганлиги тўғрисида барча иштирокчиларга ўқиб эшиттирилди.

Шулар билан бирга, Давлат раҳбарининг тегишли қарорлари асосида, **“Маҳалла еттилиги”** билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги айниқса, 2025 йилда республикамиз маҳаллаларида профилактика инспекторларининг фаолияти самарали ташкил этилиб, улар томонидан 4 мингдан ортиқ жиноятлар фож этилгани, 78 940 та совуқ қурол, 21 527 та қуролни сақлаш қоидаларини бузиш ҳолатлари аниқланган. Зўравонликка учраган 93 382 нафар аёлларга “химоя ордери” берилиб, уларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинган. 68 507 та низоли оилалар билан манзилли ишлар олиб борилиб, уларнинг 56 фоизини нотинчлигига барҳам берилган.

Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Криминология институтида ҳар бир масалага илмий ёндошув асосида 2025 йилда “Маҳалла жиноятчилигини илмий тадқиқ қилиш маркази” очилган.

Кенгаш аъзолари томонидан берилган таклиф ва тавсиялар асосида, мазкур марказ ходимлари томонидан Тошкент шаҳрининг Яккасарой ва Олмазор туманларидаги 12 та “қизил” тоифадаги маҳаллалар, бевосита жойига чиққан ҳолда жиноятчилик омиллари комплекс ўрганилиб, илмий диагнозлар қўйилган ва уларнинг барчаси “қизил” тоифадан чиқарилиб, жиноятлар сони 3 бараварга камайишига эришилганлиги таъкидланди.

Тизим фаолиятини рақамлаштириш, аҳолига хизмат кўрсатишда инсон омилини минималлаштириш ишларида ҳам ислохотлар давом эттирилган. ИИБ “NIS.UZ” идоралараро рейтинг баҳолаш тизимида 2025 йилда ҳам давлат бошқаруви органлари ичида етакчи ўринларни эгаллаган. Вазирлик тизимида “DOC” электрон ҳужжат, “E-турникет”, “E-kadr”, “E-guvohnoma”, “E-ijtimoiy himoya”, “E-XID” ва “Test markazi” ахборот тизимлари яратилиб ишга туширилган. Мазкур ахборот тизимлари 50 дан ортиқ вазирлик ва идораларнинг 240 дан ортиқ ахборот ресурсларига интеграцияланган.

Юқоридагилар билан бирга, жойларда, яъни ҳудудий ички ишлар органлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ҳам назорат қилиб бориш зарурлиги, ушбу борада уларга зарурий ташкилий-услубий кўмаклар бериш кераклиги, ҳудуднинг ўзига хослиги ва юқори инстанциялардан келаётган топшириқ ва кўрсатмаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, белгиланган вазифаларнинг бажарилишида яқиндан ҳамкорлик ўрнатилиши кераклиги тўғрисида алоҳида тўхтаб ўтилди.

Ушбу борада, ҳозирги вақтда фақат Жиззах ва Андижон вилоят ИИБлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари томонидан алоҳида фаоллик кузатилаётганлиги айтиб ўтилди.

(<https://t.me/andviliib/32472>, <https://jviib.uz/uz/news/zhamoatchilik-kengaining-n>)

Мазкур видеоҳисобот барчага намойиш этилгач, навбат иштирокчилар учун савол-жавобларга берилди.

Йиғилишда иштирок этаётган жамоатчилик вакиллари, республика оммавий ахборот воситалари вакиллари шу жумладан, блогер ва журналистларни қизиқтирувчи барча саволларга тегишли жавоблар берилиши таъминланди.

Йигилиш сўнгида, Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари, Зокиржон Алматов сўзга чиқиб, ички ишлар органларини янада халқчил тузилмага айланишида Кенгаш аъзоларининг меҳнати жуда катта эканлигини, эътироф этиб, келгусида режалаштирилган тадбирларда барчани янада фаолликка чақирди.

Бу борада, 2026 йилнинг 1-ярим йиллиги учун мўлжалланган Дастур ва унда акс этган бандлар билан иштирокчилар таништирилиб, мавжуд таклиф ва мулоҳазаларни эшитиш барчанинг диққат марказида бўлди. Унга кўра, Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида, 2026 йилда республикамиз маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чоратадбирлар ва уларнинг аниқ механизмлари белгилаб берилганлиги, мазкур топшириқлар ижроси доирасида, *“Пойтахт намунаси”* тизими (*Чилонзор тумани тажрибаси*) жорий этилиб, барча туман Ички ишлар органлари фаолияти уч босқичли хизмат тартибига ўтказилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Видеоселекторда берилган вазифаларнинг ижроси таъминланишида, ИИВ билан бирга, Прокуратура, Миллий гвардия, Соғлиқни сақлаш, Солиқ органлари, Ахборот коммуникациялар ва бошқа ташкилотлар жалб этилганлиги айтиб ўтилди.

Юқоридагилар билан бирга, кўп сонли ички ишлар органлари тизимида ходимлар томонидан йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, айрим қонунбузилиши ҳолатлари жудаям ачинарли эканлиги ва бу каби ҳолатларга қатъий чоралар кўриб, кескин кураш олиб борилаётганлиги таъкидланди.

Шунинг учун, эндиликда Жамоатчилик кенгашига берилган ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, тизимли ёндашувни кучайтириш, профилактик ишлар самарадорлигини ошириш, *“Хавфсиз ҳудуд”* тамойилини тўлиқ жорий этиш борасида белгиланган вазифаларнинг ижроси Кенгаш томонидан назорат қилиб борилиши ҳамда уларнинг амалий натижалари ҳақида, кенг жамоатчиликка етказиб бориш кераклиги ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилди.

Шундан сўнг, Кенгаш аъзолари диққатига жорий йил давомида Ички ишлар органлари фаолиятини кенг тарғиб этишга қаратилган турли танловлар эълон қилиниши тўғрисида ишлар режалаштирилаётганлиги етказилди. Ушбу танловларда телеканаллар учун *“Энг яхши кўрсатув”*, матбуот учун *“Энг яхши мақола”*, радиоканаллар учун *“Энг яхши эшиттириш”*, ижтимоий тармоқ фаоллари учун *“Энг фаол блогер ёки вайнер”*, санъаткорлар учун *“Энг яхши кўшиқ-клип”* ҳамда киноижодкорлар ўртасида *“Энг яхши фильм ёки сериал”* номинациялари ўтказилиши, ғолиб ва совриндорлар ИИВ Жамоатчилик кенгаши аъзолари ва тегишли мутахассислардан иборат ҳакамлар томонидан аниқланиб, улар *“Ички ишлар органлари ходимлари куни”* байрами муносабати билан ўтказиладиган тантанали тадбир ва концерт дастурларида диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиши режалаштирилаётганлигини барча иштирокчилар эътиборига етказилди.

Йиғилиш сўнгида, Президентимиз Ш.Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 27 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ички ишлар органлари олдига қўйилган вазифалар, шунингдек, жойларда фаолият юритаётган ҳудудий ИИОлари Жамоатчилик кенгашларда мавжуд муаммо ва масалалар юзасидан, ҳамкорлик ўрнатилиши ҳамда марказий Кенгашга алоқага чиқишлари мумкинлиги ҳақида алоҳида тўхталиб, улар билан мақсадли ва манзилли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш муҳимлигига алоҳида урғу берилди. Сўнг, Кенгашининг 2026 йил биринчи ярим йилликка мўлжалланган Дастури бандлари ижросини таъминланишида барча иштирокчилар фаолликка чақирилди. Бу борада, Дастурда режалаштирилган тадбирлар юзасидан бир қатор тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, йиғилишда

Қ А Р О Р Қ И Л И Н Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони талаблари асосида тузилган ИИВ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2025 йил якунларига оид ҳисоботи маъқуллансин ҳамда Дастурда белгиланган вазифалар иштирокчилар ўртасида муҳокама этилди деб ҳисобланиб, ижро учун қабул қилинсин.

2. ИИВ Ахборот хизмати (Ш.Ғиёсов), Маънавий-маърифий ишлар хизмати (Ж.Султанов) билан ўзаро ҳамкорликда

2.1. Ахборот хизмати раҳбари бошчилигида, мазкур мажлисда қўрилган масалалар ҳамда билдирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда, 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган тегишли Дастур ижрога қаратилсин;

2.2. Республика оммавий ахборот воситалари ҳамда ҳудудий кенгашлар аъзолари билан алоқалар ўрнатилган ҳолда, манзилли ва мақсадли ҳамкорлик ишлари давом эттирилсин, уларга услубий ва ташкилий масалалар юзасидан зарурий кўмаклар бериб борилсин;

2.3. Жамоатчилик фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирокида ҳар ойда бир маротаба соҳавий хизматлар фаолиятини яқиндан таништиришни назарда тутувчи пресс-турлар ташкил этиш орқали, соҳадаги ўзаришлар ва ислохотлар натижасини кузатиб бориш имконияти йўлга қўйилсин;

2.4. Жорий йилнинг январь ойида Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида, республикада маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари юзасидан топшириқлар ижроси назоратга олинсин;

2.5. Президентимизнинг 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони 7.2 ҳамда 7.4-бандлари талабларига асосан, келгусида Фуқаролик жамияти институтлари томонидан бирорта ташаббусли лойиҳани амалга ошириш учун давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисида, ИИВга таклиф келиб тушган тақдирда, Вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан ўрганиб чиқилиши ва баҳоланиши ҳамда ушбу ҳақда ташаббускор Фуқаролик жамияти институтига ижтимоий буюртма берилиши масаласи кўриб чиқилсин;

2.6. Келгусида ИИВнинг Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Жамоат тартибини сақлаш, Хукукбузарликлар профилактикаси, Тезкор қидирув, Тергов департаменти, Миграция ва бошқа тегишли соҳавий хизматлари йўналишида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижадорлиги тўғрисида, Жамоатчилик кенгашининг ҳар чораклик ҳисобот йиғилишлари ташкиллаштирилсин. Бу борада, тизимни рақамлаштириш билан боғлиқ фаолиятга алоҳида эътибор қаратилсин;

2.7. Худудий органлар ҳузурида фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик кенгашлари фаолиятларини бевосита ўрганиш мақсадида, 2026 йил давомида вилоят ИИБлари худудига пресс-турлар ташкил этилган ҳолда, ярим йиллик Дастурда белгиланган вазифаларнинг ижроси масалалари назоратга олинсин;

2.8. Кенгаш аъзолари томонидан, Вазирлик фаолиятига оид масалалар юзасидан, мониторинг ва ўрганишлар яқунлари бўйича аниқланган камчиликлар юзасидан, уларни бартараф этиш ва тизимни ривожлантиришга оид таклиф ва мулоҳазалар бўйича тегишли ҳужжатлар билан, Вазирлик раҳбарияти ўз вақтида таништириб борилсин;

2.9. Очиқлик ва ошкораликни таъминланиши борасида, аҳолининг муурожаатлари билан ишлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратилсин, унга оид ҳисоботлар билан жамоатчилик мунтазам таништириб борилсин;

3. Худудий ички ишлар органларлари раҳбарлари:

3.1. Президентимизнинг 2024 йил 26 августдаги ПФ–124-сон Фармони талабларига мувофиқ, 2026 йил биринчи ярим йиллик учун тасдиқланган Дастур асосида, ўзларининг ҳузурида фаолият юритаётган жамоатчилик кенгашларининг ярим йиллик фаолият яқунларига оид ҳисобот йиғилишларини ташкил этиб, тегишли ҳужжатлар расмий веб-ресурсларга жойлансин;

3.2. Ахборот хизмати раҳбарлари масъуллигида ва ўзаро ҳамкорликда мазкур мажлисда кўрилган масалалар ҳамда билдирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда, 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган тегишли Дастурлар ишлаб чиқилсин ва ижрога қаратилсин;


3.3. Ахборот хизмати масъуллари томонидан Кенгаш фаолиятига доир ҳисоботлар, мажлис баёнлари доимий равишда юритиб борилсин ҳамда Кенгаш томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тегишли материаллар мунтазам равишда расмий веб-сайт ва телеграм каналларига жойлаб борилсин.

3.4. Ахборот хизмати масъуллари томонидан Кенгаш томонидан амалга оширилаётган фаолиятига доир юритилган маълумот ва ҳисоботлар, Вазирлик Ахборот хизматига ҳар чорак давомида тақдим этиб борилсин.

Мазкур йиғилиш қарорида белгиланган вазифалар ижросини назорат қилиш Вазирлик Ахборот хизмати раҳбариятига юклатилсин.

Йиғилиш раиси

**Котиб,
полковник**



Ё.Х. Саъдиев



Ш.К. Ғиёсов